

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

УМУРЗАКОВ САРДОР УКТАМОВИЧ

**ҲАЗНАЧИЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИ ҲАОЛИЯТИНИ ОПТИМАЛ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.14 - Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари

**ИҚТИСОДИЁТ ҲАНЛАРИ БЎЙИЧА ҲАЛСАҲА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕҲЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Economics Sciences**

Умурзаков Сардор Уктамович

Ғазначилик органларининг интеграллашган ахборот
тизимлари фаолиятини оптимал ташкил қилиш жараёнларини
такомиллаштириш 3

Умурзаков Сардор Уктамович

Совершенствование процессов оптимальной организации
функционирования интегрированных информационных
систем органов казначейства..... 25

Umurzakov Sardor Uktamovich

Improvement of optimal functioning processes of integrated
information systems of the organization Treasury 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

УМУРЗАКОВ САРДОР УКТАМОВИЧ

**ҲАЗНАЧИЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОПТИМАЛ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.14 - Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt124-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бегалов Баҳодир Абдусаломович иқтисод фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдувоҳидов Абдумалик Маҳкамович иқтисод фанлари доктори, профессор Агзамов Файзулла Саидакбарович иқтисод фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ -рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю.Ходиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н.Самадов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Р.Х.Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида молиявий оқимларни бошқаришнинг янги шаклларида фойдаланиш зарурати юзага келди. Давлат бюджети ва бошқарув даражалари бюджетлар ижроси таъминланиши, давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш назоратини кучайтириш, маблағларни ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун йўналтиришда янги иқтисодий тузилмаларни ташкил этиш, бюджетларнинг барча даражаларида ижтимоий ҳимояланган моддаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молияланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Иқтисодий муносабатлар тизимида ушбу функциялар махсус молиявий орган – ғазначилик зиммасига юклатилади. АҚШ, Австралия, Исроил, Канада, Янги Зеландия, Франция каби жаҳоннинг кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатлари бюджет ижросини ғазначилик тизими орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур ислохотлар ва ўзгаришлар корхона ва ташкилотларнинг ғазначилик органлари тизими орқали давлат томонидан молиялаш тизимида бўлган талабини юксалтириб юборди. Шу муносабат билан, бюджет маблағи олувчиларнинг молиявий хизматлари ва ғазначилик тизимида муҳим вазифалар пайдо бўлди. Яъни ягона тармоқ, идоравий бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларни молиявий бошқариш жараёнларининг принципиал жиҳатдан мураккаблашуви, ғазначилик орқали молиявий тизимга йўналтирилган харажатлар самарадорлигини оширишнинг илмий мезонларига амал қилиш зарурати юзага келди. Албатта, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этмасдан туриб, ушбу вазифаларни ҳал этишнинг деярли имкони йўқ. Бу эса, ягона тармоқ ёки идоравий бўйсунув тартибида бирлаштирилган корхона ва ташкилотларни бюджет ҳисобидан молиялаш соҳасидаги жаҳон тажрибаси, жамиятнинг ҳар тарафлама ривожланишида постиндустриал босқичга ўтиш жараёнларида ахборотнинг қимматбаҳо ресурсга айланиши шундан далолат бериб турибдики, АКТнинг ривожланиш даражаси ва суръатлари бюджетдан молиялашнинг самарали тизимини яратиш имконини беради. Шу билан бирга, замонавий АКТ базасида молиялаш жараёнларини бирхиллаштириш ва стандартлаштиришни амалга оширишни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида бундай концептуал моделни яратишда қўлланиладиган асосий тизимли ёндашув, молиявий-иқтисодий ахборотларни бошқариш ягона техник ва ахборот базаси лойиҳалаштирилишини таъминлайди, ахборот тизимининг сифатини оширади ва ундан фойдаланиш харажатларини камайтиради. Мазкур технология тартиби комплекс тарзда бўлиб, бир вақтнинг ўзида ахборотларни тайёрлаш, таҳлил қилиш, сақлаш, узатиш ва ҳимоялаш имконини беради. Юқорида баён этилган жиҳатлар диссертация мавзусини танлашда ва тадқиқотнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли ва «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сонли фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш вазифаларининг ечимлари В.В.Дик, А.Н.Романов, А.И.Долженко, Е.Н.Ефимов, В.В.Липаев, Г.А.Титоренко, В.П.Тихомиров, А.М.Вендров, Ю.Ф.Тельнов каби олимлар илмий ишларида очиқ берилган¹.

Молиявий тизим, хусусан, ғазначилик муаммоларига доир умумий назарий, методологик ва амалий масалалар М.П.Афанасьев, А.Г.Грязнова, А.С.Костюченко, П.А.Жданчиков, А.А.Бережной, В.А.Горин, Д.Н.Вартанян, О.И.Дроздов кабиларнинг ишларида тадқиқ этилган².

Миллий иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш масалалари С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, А.Т.Кенжабаев, Б.А.Бегалов, Т.С.Кўчқоров,

¹ Дик В.В. Методология формирования решений в экономических системах и инструментальные среды их поддержки // В.В. Дик. – М.: Финансы и статистика, 2000. - 300 с. Романов А.Н., Одинцов Б.Е. Советующие информационные системы в экономике: учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. Долженко А.И. Управление информационными системами: учеб. пособие // А.И.Долженко. - Ростов-н/Д.: РГЭУ «РИНХ», 2008. -197 с. Ефимов Е.Н. Экспериментальные методы оценки потребительского качества распределенных информационных систем // Е.Н. Ефимов. -Ростов-н/Д.: РГЭУ «РИНХ», 2001. - 219 с. Липаев В.В. Выбор и оценивание характеристик качества программных средств. Методы и стандарты. – М.: СИПТЕГ, 2001. - 228 с. Титоренко Г.А. Информационные системы в экономике. – 2-е изд., перераб. и доп. / Г.А. Титоренко. – М.: ЮНИТИ -ДАНА, 2008. - 463 с. Введение в информационный бизнес // Под ред. В. П. Тихомирова, А. В. Хорошилова. –М.: Финансы и статистика, 1996.-246 с. Вендров А.М. Проектирование программного обеспечения экономических информационных систем // А.М. Вендров. – М.: Финансы и статистика, 2000. - 352 с. Тельнов Ю.Ф. Технология проведения бизнес-реинжиниринга // Бизнес-процесс реинжиниринга и проектирование информационных технологий. – М.: МГУ ЭСИ, 1996. – С. 51-56.

² Афанасьев М.П. Бюджет и бюджетная система. - 2-е изд., перераб. и доп. // М.П. Афанасьев, А.А. Беленчук, И.В. Кривоногов. – М.: Юрайт, 2010. -777 с. Грязнова А.Г. Финансы: учебник для студ. вузов // Под ред. А.Г. Грязновой, Е.В. Маркиной. – М.: Финансы и статистика, 2007. - 504 с. Костюченко А.С. Автоматизация банковских бизнес-процессов: учеб. пособие //А.С. Костюченко, В.С. Корнев. – М.: Компания Спутник +, 2007.-141 с. Жданчиков П.А. Казначейство. Автоматизированные бизнес-технологии управления финансовыми потоками // П.А. Жданчиков. – М.: ГУ ВШЭ, 2010.-368 с. Бережной А.А. Информационная система Федерального казначейства в регионе // Прикладные задачи моделирования и оптимизации. Межвуз. сб. науч. тр. – Воронеж: ВГТУ, 2007. С. 19-22. Горин В.А., Нестеров В.В. Программное обеспечение для казначейского исполнения доходов и расходов федерального бюджета на региональном и местном уровнях // Финансы. 2001. №3. Вартанян Д. Н. Автоматизированная система поиска оптимальных стратегий и формирования выходного казначейского документооборота: дис. ... канд. техн. наук: 05.13.01 : Владикавказ, 2003 156 с. Дроздов О. И. Информационно-технологические процессы исполнения расходной части федерального бюджета России по казначейской системе: диссертация ... кандидата технических наук: 05.13.10.– Москва, 2000.- 140 с.

И.Е.Жуковская, Р.А.Дадабаева, А.А.Мусалиев каби олимлар ишларида ҳам кўриб чиқилган³.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган молиявий-иқтисодий маълумотларни бошқариш ҳамда тартибга солиш борасида АКТни қўллаш соҳасидаги ҳозирги тадқиқотларнинг аксарияти ахборотлар ҳақидаги умумий тушунчаларга бағишланган бўлиб, бозор ахборотларининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилмасдан қолмоқда. Айни пайтда, ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларини таҳлил қилишга бағишланган комплекс назарий ва амалий тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Ушбу муаммонинг назарий, методологик ва амалий асослари ишлаб чиқилмаганлиги мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика аграр иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келувчи Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғазначилик органлари фаолиятида интеграллашган ахборот тизимини самарали ташкил этиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазначилик ижросини ташкил этишнинг назарий асосларини яратиш;

ғазначилик вазифаларини ҳал этишда интеграллашган ахборот тизимларининг функционал имкониятларидан самарали фойдаланиш муаммоларини белгилаш;

ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларининг ахборот таъминотини оптимал ташкил этиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларининг функционал имкониятларини тадқиқ этиш;

ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларида молиявий-иқтисодий ахборотларга ишлов бериш жараёнларини моделлаштириш;

ғазначиликнинг молиявий-иқтисодий ахборотларига тақсимотли ишлов бериш технологиясини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

молиявий-иқтисодий ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ҳамда яқуний фойдаланувчиларга тақдим этишнинг автоматлаштирилганлик даражасини тадқиқ этиш;

³ G'ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. – Darslik/ - T.: Fan, 2010 y. - 685 b. Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю. Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш. Монография. – Тошкент. ФАН. 2001. Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005 - 41 б. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические аспекты влияния информационного общества на инновационное развитие экономики. Монография. – Ташкент: Фан ва технологиялар. 2016. - 134 с. Кучкаров Т.С. и др. Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан// Под ред. Дж. Кучкарова. – Ташкент: Издательский дом «Мир экономики и права», 2005 – 320 с. Мусалиев А.А., Мохова Е.А. Системы электронного документооборота. Монография. – Ташкент, ТГЭУ. 2009. - 128 с.

ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимининг ташқи ахборот тизимлари билан ахборот алмашиш ҳамкорлигини таҳлил қилиш;

касса ягоналигини таъминлаш, маълумотлар базасини шакллантирувчи ахборот оқимларини моделлаштириш;

Давлат бюджети маблағлари келиб тушиши ва сарфланишини назорат қилиш бўйича ахборот жараёнларини моделлаштириш;

ғазначилик органларида хўжалик юритувчи субъектларга инновацион технологиялар асосида интерактив хизмат кўрсатиш истиқболини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ғазначилик органларининг интеграллашган ахборот тизимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини интеграллашган ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ҳамда уларни ғазначилик органлари фаолиятига жорий этиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг методологик асосини тизимли ва эконометрик таҳлил қилиш усуллари, оптималлаштириш усуллари ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш усуллари ташкил қилади. Бу борада хулоса ва таклифлар ишончилигини таъминлашнинг эмпирик базаси учун ғазначиликка доир статистик материаллар хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғазначилик органларининг интеграллашган ахборот тизимлари функционал имкониятларини кенгайтириш асосида бирламчи маълумотларни киритиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш босқичлари такомиллаштирилган;

ғазначилик органларининг интеграллашган ахборот тизимларида молиявий-иқтисодий ахборотларга ишлов бериш жараёнларини республика ғазначилигининг ҳудудларда жойлашган бўлимларида тўпланадиган бюджетлар ижросига доир маълумотларнинг тарқоқ массивларидан ягона маълумотлар базасига ўтиш имконини берувчи эконометрик моделлари такомиллаштирилган;

«Электрон ҳукумат» платформаси асосида ягона ахборот маконини шакллантириш шароитида ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларини жорий қилиш методикаси такомиллаштирилган;

республика ғазначилиги маълумотлар базаларида ҳисобот ва маълумотномаларни бир базадан бошқасига узатиш каби бизнес жараёнларда функционал операцияларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун интеграллашган ахборот тизимларининг давлат бошқаруви органлари ахборот тизимлари билан ўзаро самарали ахборот ҳамкорлиги технологияси таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молиявий оқимларни бошқаришнинг автоматлаштирилиши шароитида республика бюджети ижросини тезкор ва объектив таҳлил қилиш, бюджетга даромадлар тушуми ва ҳар қандай давр учун бўлажак харажатларни прогноз қилиш имконини берувчи ғазначиликнинг молиявий-иқтисодий ахборотларига тақсимотли ишлов бериш технологияси такомиллаштирилган;

туман, шаҳар, вилоят ва республика даражаларида молиявий-иқтисодий ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва уни ғазначилик тизимининг якуний фойдаланувчиларига тақдим этишдаги жараёнлар автоматлаштирилишини такомиллаштиришга доир ёндашувлар асослаб берилган;

мавжуд ҳужжатлардан такрорий фойдаланишни қисқартириш, уларни сақлашни тизимлаштириш ва ахборотлар излашнинг самарали воситаларини татбиқ этиш ҳисобидан молиявий оқимлар бошқарилишини автоматлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот иши жараёнида республика ва хорижнинг ахборотни моделлаштириш, молияни бошқариш, менежмент ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларидаги етакчи муаллифлар, илмий жамоаларнинг ишлари таҳлил қилинди ва улардан фойдаланилди. Диссертация бўйича тадқиқот олиб бориш жараёнида тизимли таҳлил, эконометрик моделлаштириш усуллари, иқтисодий таҳлил, графлар назарияси элементлари, ҳисоблаш тармоқлари ишланмалари, тузилмавий таҳлил ва лойиҳалаштириш методологияси қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, туман, вилоят ва республика даражаларида мамлакат ғазначилик органларида интеграллашган ахборот тизимларини жорий этиш ва уларнинг фаолиятига кенг қўламда татбиқ этиш имконини берадиган шарт-шароит яратилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ундан давлат хизматчилари учун ғазначилик органларида ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш стратегиясини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Ғазначилик», «Ахборот-коммуникация технологиялари», «Иқтисодиётда ахборот тизимлари» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғазначилик органларининг интеграллашган ахборот тизимлари фаолиятини оптимал ташкил қилиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ғазначилик интеграллашган ахборот тизимларининг функционал имкониятларини кенгайтириш асосида бирламчи маълумотларни киритиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш босқичларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Молия вазирлиги фаолиятига жорий этилди (Молия вазирлигининг 2017 йил 20 декабрдаги ДС/31-01/2-32-12/1100-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларининг функционал имкониятини такомиллаштириш борасидаги ёндашувлар ва механизмлардан фойдаланиш ғазначилик органларида бюджет интизоми мустаҳкамланишига хизмат қилди;

ғазначилик интеграллашган ахборот тизимларида молиявий-иқтисодий ахборотларга ишлов бериш жараёнларининг республика ғазначилигининг ҳудудларда жойлашган бўлимларида тўпланадиган бюджетлар ижросига доир маълумотларнинг тарқоқ массивларидан ягона маълумотлар базасига

ўтиш имконини берувчи такомиллаштирилган эконометрик моделлар Молия вазирлиги фаолиятига жорий этилди (Молия вазирлигининг 2017 йил 20 декабрдаги ДС/31-01/2-32-12/1100-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида бюджет ижросига доир маълумотларнинг тарқоқ массивларидан ягона маълумотлар базасига ўтиш имконияти яратилди;

«Электрон ҳукумат» платформаси асосида ягона ахборот маконини шакллантириш шароитида ғазначилик интеграллашган ахборот тизимларини жорий қилиш методикаси Молия вазирлиги фаолиятига жорий этилди (Молия вазирлигининг 2017 йил 20 декабрдаги ДС/31-01/2-32-12/1100-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган методика ғазначилик бизнес-жараёнларида интеграллашган ахборот тизимлари функционал операцияларининг такрорланишига йўл қўймаслик имконини берди;

республика ғазначилиги маълумотлар базаларида ҳисобот ва маълумотномаларни бир базадан бошқасига узатиш каби бизнес жараёнларда функционал операцияларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун интеграллашган ахборот тизимларининг давлат бошқаруви органлари ахборот тизимлари билан ўзаро самарали ахборот ҳамкорлиги технологияси бўйича берилган таклифлар Молия вазирлиги фаолиятига жорий этилди (Молия вазирлигининг 2017 йил 20 декабрдаги ДС/31-01/2-32-12/1100-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида молиявий оқимларни бошқаришни автоматлаштириш ва ғазначиликнинг молиявий-иқтисодий ахборотларига тақсимотли ишлов бериш жараёнларини тезлаштиришга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация иши натижалари иккита халқаро ҳамда 12 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 14 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, учта боб, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 152 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикасида ғазначиликни**

шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этишнинг назарий асослари тавсифланиб, ғазначилик вазибаларини ҳал этишда интеграллашган ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш жараёнлари тахлил қилинган ва ғазначилик органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини комплекс тарзда жорий этиш муаммолари очиб берилган.

Бу борада хорижий молиявий институтларнинг давлат пул оқимларини тартибга солиш борасидаги тажрибаларини ўрганиш шундан далолат берадики, аксарият мамлакатларда ғазначилик тизими молиявий оқимларни бошқаришнинг амалий механизми ҳисобланади. Бундай институтларнинг ҳозирги тизими узок вақт давом этган тадрижий ривожланишлар натижасида юзага келган ва бугунги кунда бюджетнинг касса ижроси ва бюджет даромади, харажатларни бошқариш билан шуғулланувчи вакиллик органи сифатида шаклланди.

Шундай қилиб, давлат ғазначилиги – жамиятнинг жамғаришга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва молиявий бюджет ресурсларини давлат муассасалари ва корхоналари ўртасида тақсимлашга қаратилган ўзаро боғлиқ элементларнинг яхлит тизимини намоён этувчи муҳим молиявий тақсимот органидир.

Давлат бюджет сиёсатини амалга ошириш, республика бюджетини ижро этиш жараёнларида даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш, давлат дастурларини молиялаштиришда тезкорликни ошириш, тушум ҳамда давлат маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назоратни тубдан кучайтириш учун Молия вазирлиги Ғазначилик бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида ғазначилик органларининг ягона марказлаштирилган тизими ташкил этилди.

Ғазначилик органлари даромадларни ўтказиш ва бюджетлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар жараёнида ҳамда мамлакат бюджет тизимининг ҳолати ҳақидаги ахборотлар базасини яратиш ишини мувофиқлаштиришда вилоятлар давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. 2010-2016 йилларда даромадлар бўйича давлат бюджети асосий параметрларининг ижро динамикаси 1-расмда келтирилган. Бунда давлат бюджети даромадлари бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи ва бошқа даромадлардан таркиб топган.


Бизнинг назаримизда, ғазначилик органлари иш фаолиятини бошқариш тизимини яхшилашни қуйидаги икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқ:

1) бошқарув тузилмасини содалаштириш, тахлил қилиш ва башорат қилиш усулларининг жорий этилишини назарда тутувчи бошқарув шакллари ва усулларини такомиллаштириш;

2) молиявий-иқтисодий ахборотларга ишлов бериш учун АКТни қўллаш йўли билан бошқарув шакллари ва усулларини мақбуллаштириш.

Ғазначилик тизими ўзгарувчан бўлиб, у доимий равишда ривожланиш ва модификацияланиб туриш хусусиятларига эга. Иқтисодий ахборот

муҳитининг кўлами ва мураккаблиги шундан иборатки, уни моделлаштириш қийин вазифа бўлиб, ҳал этишнинг айнан бир хил усуллари ва воситаларини талаб қилади. Ҳозирги кунда республикамизда молияни тартибга солишда катта муваффақиятларга эришиш учун бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятини ошириш, давлат пул оқимлари устидан назоратни кучайтириш ҳамда якуний истемолчиларга етказиш жараёнларини тезлаштириш имконини берадиган ғазначилик тузилмалари туфайли давлат пул оқимларини тартибга солиш учун масъул бўлган бозор иқтисодиёти институтларини ташкил этиш жараёни деярли ниҳоясига етказилди.




1-расм. Даромадлар бўйича давлат бюджети асосий параметрлари ижроси динамикасини таҳлили⁴

Шундай қилиб, иқтисодий иерархияга мувофиқ Молия вазирлиги, давлат банклари, ғазначилик, тижорат банклари ҳамда молиявий бўлимлар ва бошқарув субъектлари молиявий оқимларни бошқарувчи асосий тузилмалар ҳисобланади. У ёки бу молия тузилмасини молиявий оқимларни бошқарувчи тузилмалар жумласига киритишнинг энг муҳим белгиси сифатида унинг молиявий ресурсларни тасарруф этиш ҳуқуқини таъкидлаш мумкин.

Ғазначиликнинг автоматлаштирилиши пул оқимлари, компаниянинг ликвидлиги, унинг кредит ва молиявий таваккалчиликларини бошқариш имконини беради. Шунингдек, у вақтинча бўш турган пул маблағларидан самарали фойдаланиш масаласида ташвишланаётган корхоналарга молиявий бозорларда операцияларни амалга ошириш имконини беради. Шунга қарамай, ҳозирча ҳамма компаниялар ҳам бундай тизимни жорий этишга тайёр эмас, чунки уларда ғазначилик бўлинмаларини шакллантириш пайтида юзага келадиган муҳим масаладан бири – ишнинг автоматлаштирилишига боғлиқ (2-расм).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.



2-расм. Бюджет жараёни иштирокчиларининг ахборотлар алмашиш юзасидан ўзаро ҳамкорлиги чизмаси⁵

Автоматлаштириш жараёнида ғазначилик функциялари сифатида муайян корхоналар шароитларига кўпроқ мос келадиган АКТ воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Давлат молияси ва моддий ресурсларнинг яхши ҳолатида бўлиши кўпроқ ишончли молиявий-иқтисодий ахборотлардан фойдалана олишнинг тезкорлигига боғлиқ, чунки ушбу ҳолат давлат молиясини бошқариш органларининг фаолиятини сезиларли даражада энгиллаштиради.

Республика ғазначилик органларида бюджетлар ижроси жараёнлари автоматлаштирилиши икки блокчи чекловга эга, хусусан: бюджет жараёни ташқи иштирокчилари, бюджетга тушумлар субъектлари, тақсимловчилар, олувчилар билан бевосита республика ғазначилик органлари ўртасида ҳамда бошқарма бўлинмаларида электрон ҳужжат айланиши; бюджетлар ижросини ҳисобга олиш дастурий мажмуаларидан фойдаланиш. Ушбу икки блок бири-бирига чамбарчас боғлиқ.

Ғазначиликда ҳамда электрон ҳужжатлар алмашишда иштирок этувчи ташкилотларда ишнинг сермашаққатлигини қисқартириш бошқарувда ахборот тизимларини ривожлантиришнинг асосий концепцияси ҳисобланади. Бунда молиявий-иқтисодий ахборот алмашишнинг автоматлаштирилишида харажатлар эришилган натижалардан юқори бўлмаслиги керак.

Электрон ҳужжатлар айланишида Республика Ғазначилик бошқармасида ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериледи, унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

бошқарма ва унга бўйсунувчи бўлимларда ахборот хавфсизлиги борасида ягона ташкилий-техник сиёсатни амалга ошириш;

бошқармада махфийлик режимига амал қилиш ва махфий иш юритиш ишларини ташкил этиш;

⁵ Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

Республика Ғазначилик бошқармаси ва унга бўйсунувчи бўлимларда ахборотларни муҳофаза қилиш тизимини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш ишларига методик раҳбарликни амалга ошириш;

Республика Ғазначилик бошқармаси ва унга бўйсунувчи бўлимларда ахборотларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ва кўрилаётган чоралар самарадорлигини назорат қилиш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

Электрон хизматларни самарали ривожлантириш учун қуйидаги воситаларнинг муайян тўпламига эга бўлган ишончли ва мослашувчан дастурий платформа муҳим аҳамиятга эга: «фойдаланиш» интерфейсларини ушбу жараёнлардаги якуний истеъмолчиларнинг тегишли функцияларини амалга ошириш масалалари билан узвий боғлаш лозим бўлган бизнесжараёнлар моделларини тақдим этиш; ҳар бир фойдаланиш функциясини бошқа жараёнлар функциялари билан боғлашни нисбатан содда дастурлаштириш; фойдаланувчилар интерфейсларининг турли форматлари ва функцияларини ўзгартириш; ишлаб чиқиладиган муҳитда ахборотларни муҳофаза қилишнинг зарур воситаларидан фойдаланиш, компьютер тизимида бизнес ва ахборот-технологик жараёнларни бошқариш.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, бюджетлар ғазна ижросини таъминлашга қодир дастурий мажмуа қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

интеграциялашган маълумотлар базаси замонавий инструментал воситаларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилиши ва ахборот тизимларига хос барча хусусиятларга эга бўлиши, хусусан, ахборотларнинг яхлитлигига амал қилиши, нормаллаштирилган маълумотлар тузилмаларини қўллаш, шунингдек, интерфейснинг ягоналиги ва қулайлиги;

пул маблағларининг ҳар қандай операцияларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молия вазирлигининг йўриқномаларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг автоматик тарзда юритилишини амалга ошириш;

ҳисоботларнинг барча регламентланган шакллари, шу жумладан, мамлакат субъектларининг умумлаштирилган ҳисоботларини сақлаш;

ихтиёрий равишда турли фойдаланиш даражаси учун маълумотларни тезкор таҳлилий тақдим этиш воситаларини ишлаб чиқиш.

Бизнинг назаримизда, ғазначилик тизимини ташкил этишда АКТнинг функционал имкониятларини комплекс тарзда ва тизимли қўллаш, хусусан, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишнинг сифатини яхшилаш ҳамда белгиланган вазифаларни бажариш тезкорлигини ошириш имконини беради. Юқорида баён этилганлар асосида шу нарса маълум бўладики, бугунги кунда АКТ – бюджет ресурслари ҳаракатланиш жараёнини такомиллаштиришнинг ўта муҳим омили бўлиб, уларни қўлламастан туриб республика ғазначилиги органлари олдида турган вазифаларнинг аксарият қисмини бажаришнинг имкони мавжуд эмас.

Илмий ишнинг иккинчи боби «**Ғазначилик интеграллашган ахборот тизимларини ташкил этишнинг методик жиҳатлари**» деб номланган

бўлиб, ғазначилик интеграллашган ахборот тизимларининг функционал имкониятлари тадқиқ этилган ва ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларида ахборотларга ишлов бериш жараёнларини моделлаштириш ишлари амалга оширилган, шунингдек, ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимларини такомиллаштириш методикаси таклиф этилган.

Мамлакатимиз ғазначилик органлари ишининг сифатини оширишнинг муҳим шarti – бу бошқарувнинг барча даражаларида уларни ахборот билан таъминлашнинг истиқболли ва самарали тизимини барпо этишдир. Ахборот комплексини ишлаб чиқиш нафақат ҳажмий кўрсаткич – солиқ тўловчилар ва республика бюджетидан маблағ олувчилар сонини, балки минтақаларнинг молиявий ҳамда коммуникацион инфратузилмаси ривожланишини ҳисобга олувчи намунавий лойиҳавий ечимлардан фойдаланган ҳолда ягона методологик асосларда амалга оширилади.

Республика ғазначилиги органлари ахборот комплексини яратишдан асосий мақсад – республика бюджети ижроси самарадорлигини сезиларли даражада оширишдан иборат бўлиб, бу республика ғазначилиги органларига оз миқдордаги ходимлар ёрдамида тизим олдига қўйилган вазифаларнинг тўлиқ ҳажмини тезкор, аниқ ва самарали бажариш имконини беради, хусусан:

республика бюджети даромадларини тез ва аниқ ҳисобга олиш;

республика бюджети, минтақалар бюджети ҳамда барча даражадаги маҳаллий бюджетлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

республика бюджети маблағларини олувчиларга ўз вақтида ва аниқ етказиш;

бюджет маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни тўлиқ, тезкор ва қатъий назорат қилиш;

республика бюджети ижросини тезкор ва объектив таҳлил қилиш, ҳар қандай муддатга белгиланган бюджетга даромадлар тушуми ва қилинадиган харажатларни прогноз қилиш.

Ўтказган тадқиқотлар шундан далолат берадики, ғазначиликда интеграллашган ахборот тизими ташкил этилишига икки томондан ёндашиш керак. Яъни агар биринчи ҳолатда, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланган инфратузилмасига эга бўлган тизимнинг тўлиқ автономлигига ва унинг идорлараро муносабатлар муаммоларидан нисбатан холи бўлишига эришилса, иккинчи ҳолатда эса, республика ғазначилиги органларининг иш фаолияти кўп жиҳатдан бир неча идоранинг бозор муносабатларига мос хавфсиз шарт-шароитларини мувофиқлаштириш бўйича умумий ташкилий-ҳуқуқий хусусиятларни таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ғазначилик органлари интеграллашган ахборот тизимини ташкил этишнинг асосий мақсадларига қуйидаги бир қатор шартлар бажарилган тақдирда эришилади:

а) республика бюджети ижроси бўйича хизматлар кўрсатувчи ахборот тизими ҳисоб режасининг мукамаллик даражасига эквивалент бўлган автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобининг ушбу ҳолатдаги бюджет таснифига мувофиқ, шу жумладан, бюджет маблағларини якуний олувчилар


кесимида таҳлилий жиҳатдан амалга ошириш лозим, бу ахборот комплекси ҳисоб юритиш регистрларида ҳар қандай даражадаги республика бюджети ҳақиқий ҳолатининг тезкор ва ишончли акс эттирилишига имкон беради;

б) операция куни, ҳафтаси, ойи, чораги, йили мобайнида бюджет ижросининг асосий жараёнларини мувофиқлаштириш ва мослаш;

в) турли даражадаги бюджет ижроси органларининг ягона технологик ахборот-коммуникация тизимини барпо этиш;

г) уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши жараёнида у ёки бу турдош идоравий тизимга кирувчи ахборотларнинг реал ишончилигини таъминлаш, чунки ягона технологияни қўллаш ахборотлар ва электрон имзони рухсатсиз фойдаланишдан сақлайди.

Ғазначилик ахборот тизимининг республика ва минтақавий бюджетлар ижроси ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда, анъанавий банк операциялари билан ҳам, электрон банк ҳисоб-китоблари тизимлари билан ҳам ишлашга мослаштирилган бўлиши керак. Ғазначилик интеграллашган ахборот тизимининг умумий тузилиши ва республика ғазначилиги инфратузилмаси 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ғазначилик интеграллашган ахборот тизимининг умумий тузилиши ва республика ғазначилиги инфратузилмаси⁶

⁶ Ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

У ёки бу предмет соҳаларида ахборот тизимини ташкил этиш учун, биринчи навбатда, фаолиятнинг муайян сегментида ахборотларга ишлов бериш концептуал схемалари ёки моделларини яратиш лозим. Шундан кейин концептуал моделларга турли компьютер инструментал воситалари орқали аниқлик киритилади, натижада, ҳар қандай ахборот тизимини яратишнинг предметига йўналтирилган методикасини йўлга қўйиш имкони пайдо бўлади. Шундай қилиб, интеграллашган моделни лойиҳалаштириш жараёнининг тўлиқлиги, мазмунини баҳолаш ҳамда лойиҳага тузатишлар киритиш катта миқдордаги ташкилий ҳамда молиявий сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлган камчиликларни бартараф этишга имкон беради.

АКТдан фойдаланиш молиявий-иқтисодий бўлинмалар самарадорлигини ошириш ва ғазначиликни бошқариш функцияларини тизимлаштириш учун молиявий-иқтисодий ахборотларга кўп поғонали тақсимотли ишлов беришнинг ғазначилик интеграллашган ахборот тизимлари (ҒИАТ) шароитида ишлашга йўналтирилган тизими яратилади, уни қуйидаги кўринишда тақдим этиш мумкин:

$$DSI(FS(d), TB(p)) \Rightarrow PSI(FS(d), TB(p)), \quad (1)$$

бу ерда: DSI (марказлашмаган тизим) – ғазначиликда молиявий-иқтисодий ахборотларга ишлов беришнинг мавжуд тизими; PSI (тақсимлаш тизими) – молиявий-иқтисодий ахборотларга кўп поғонали тақсимотли ишлов бериш тизими; $TB(p)$ (техник тизим) – АКТ тўплами билан тавсифланувчи техник база; $FS(d)$ (функционал тизим) – молиявий-иқтисодий вазифалар ҳал этилишини таъминловчи ўзаро боғланган функциялар, махсус билимлар ва усуллар йиғиндиси; \Rightarrow – DSI ни таҳлил қилиш асосида PSI ни лойиҳалаш жараёнлари.

Оптималлаштириш мезони сифатида узелда маълумотлар базаларини яратиш, сақлаш ва янгилаш ҳамда уларга ҒИАТнинг бошқа узелларидан мурожаат этиш қиймати билан аниқланадиган умумий фойдаланиш харажатларининг камайиши қабул қилинади:

$$L = \sum_{i=1}^I \sum_{j=1}^J \sum_{k=1}^K (C_{ijk} + C_{ijk}^{obr}) y_{ijk} \rightarrow \min \quad (2)$$


қуйидаги чекловларда:

$$i, l = \overline{1, I}, \quad j, p = \overline{1, J}, \quad k = \overline{1, K}, \quad (3)$$

$$Y_{ijk} = \{0, 1\}, \quad (4)$$

бу ерда: i, l – даражанинг рақами; j, p – даражадаги узелнинг рақами; k – массив рақами; C_{ijk} (C_{ipk}) – ij (lp) узелда k массивни яратиш, сақлаш ва янгилаш умумий харажатлари; C_{ijk}^{obr} – ҒАТнинг ij узелида жойлашган k массивга мурожаат этиш харажатлари; C_{ijklp}^{obr} – lp узелидан ij узелида жойлашган k массивга мурожаат этиш харажатлари; $Y_{ijk} = \{0, 1\}$, 1 – агар k массив ij узелида сақланса, 0 – акс ҳолда.

Ғазначилик моделини тузиш принциплари асосида предмет соҳасининг алоҳида элементини акс эттириш жараёнидаги устувор йўналишини ажратиб кўрсатиш зарур. Яъни ушбу дастурлар ишлаб чиқувчиларнинг эътиборини яратилаётган тизимнинг самарали ишлаши пухталигини кафолатловчи муҳим йўналишига қаратиш имконини беради. 4-расмда келтирилган чизма асосида айтиш мумкинки, ғазначиликнинг марказлашган модели учун функционал устувор йўналишларда операция функциялари назорат функцияларидан устунлик қилади, ғазначиликнинг марказлашмаган модели эса, ўз навбатида, устувор йўналишларнинг тескари тартибини назарда тутлади.



4-расм. Бюджет жараёни иштирокчиларининг ахборот алмашиш бўйича ўзаро ҳамкорлиги схемаси⁷

Шундай қилиб, ғазначиликнинг марказлашган модели қуйидаги учта устувор рейтингни назарда тутлади:

тўловлар графигини аниқ ва ўз вақтида бажариш;

бюджет моддаларига риоя этилишини назорат қилиш;

дебитор ва кредиторлик қарзларини тўлаш муддатларига риоя қилиш.

Биз ўтказган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, марказлаштириш ва иерархия асосида ғазначиликнинг автоматлаштирилган маълумотлар банкни ташкил этиш, автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш ҳамда ҳужжатларни яратиш шароитида ахборот оқимлари ҳажми унумли серверлар ва кучли корпоратив маълумотлар базаларини қўллашни талаб қилади. ҒИАТнинг татбиқ этилиши эса, ҳужжатни жамоавий яратиш ва ундан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ғазначилик органларига қоғоз кўринишида тақдим

⁷ Ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

қилинадиган ортикча ёки кераксиз хужжатларни қисқартириш имконини беради. Бу, бизнинг назаримизда, ғазначилик органларида электрон офис режимида ишлашининг қоғозсиз технологиясини ташкил этиши мумкин.

Диссертациянинг **«Ғазначилик органларининг кўп поғонали тақсимланган интеграллашган ахборот тизимини тадқиқ этиш»** деб номланган учинчи бобида молиявий оқимларни бошқариш жараёнини автоматлаштириш, ғазначилик молиявий-иқтисодий ахборотларига тақсимотли ишлов беришнинг технологияси такомиллаштирилган, шунингдек, молиявий-иқтисодий ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва уни якуний фойдаланувчига тақдим этишнинг автоматлаштирилганлиги тадқиқ этилиб, ғазначиликнинг интеграллашган ахборотлар тизимининг ташқи тизимлар билан самарали ахборот ҳамкорлиги технологияси таклиф этилган.

Молиявий оқимларни самарали бошқаришда у ёки бу бизнес жараёнини автоматлаштириш ўта муҳим ва долзарб масала, чунки бозор иқтисодиётига ўтиш бошқарувга нисбатан янги ёндашувларни, хусусан, самарадорликнинг иқтисодий, бозор мезонларини кучайтириш ва тегишли мослашувчанликни талаб қилади.

Шу билан бирга, ғазначиликнинг интеграллашган ахборот тизимлари учун қўлланиладиган умумий техник талаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

молиявий ахборотларни киритиш, излаш ва уларга ишлов беришда тизимнинг тез ишлаши;

маълумотлардан рухсатсиз фойдаланишдан қатъиян ҳимояланганлик ва ғазначилик тизими ходимларининг ҳаракатларини рўйхатга олиш;

иш ўринларининг қулай фойдаланиш интерфейси;

тизимнинг кўламини кенгайтириш ва ривожлантириш имконияти;

маълумот узатишда тизимнинг модуллар билан интеграциялашуви;

ишнинг юқори даражада ишончлилиги.

Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, ғазначилик функцияларини автоматлаштириш бир неча босқични ўз ичига олади. Ушбу босқичларни изчил амалга ошириш пул ресурслари ҳаракатини назорат қилиш имкониятини туғдирувчи тизимни яратиш имконини беради. Улар ичидан қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

1-босқич. Долзарб маълумотлар билан таъминланиш. Ғазначилик функцияларини автоматлаштиришда маълумотлар базаларини яратиш ва уни кейинчалик янгилаб боришда ёки, бошқача айтганда, хизмат кўрсатувчи банк ва мазкур банкдаги ҳисобрақамлар рўйхати ҳақидаги долзарб маълумотларни таъминлашдан бошлаш зарур.

2-босқич. Пул маблағини ҳисобга олиш ҳисобварақларида қийматларни тўплаш. Иккинчи қадам – тизимда операция куни бошланиши ҳолатига кўра, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўйича қийматларни тўплашнинг ташкил этилиши.


3-босқич. Операцион молиявий режалаштириш тизимини барпо этиш. Тўлов тақвими, яъни операцион молиявий режалаштириш тизими пул маблағлари ҳисобварақларида қийматларни тўплаш ташкил этилганидан

кейин шаклланади.

